



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil "16" yanvar

Қ-36 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви  
“Қуштепа” маҳалласи худудидан  
“JURAMIRZO NURLI FAYZ” МЧЖга  
“Интенсив боғ барпо этиш” ва енгил  
конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер  
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 28 декабрдаги 05-02/834-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 02 декабрдаги 01-05/192-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи худудидан “JURAMIRZO NURLI FAYZ” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 410қ, 405қ, 411 ва 409қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 49 балл бонитетли жами 6,4 гектар, шундан 3,7 гектар суғориладиган экин ер, 2,3 гектар бўз ер, 0,2 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,2 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари, шундан 4,0 гектарида “Интенсив боғ барпо этиш” учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 2,0 гектарида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “JURAMIRZO NURLI FAYZ” МЧЖ бошлиғи Ч.Жўраевга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб

бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов